

Зайнабидин АБДИРАШИДОВ
Нодира ЭГАМҚУЛОВА

**МАҲМУДХҶА
БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ
«ОЙИНА» ЖУРНАЛИ**

Зайнабидин АБДИРАШИДОВ
Нодира ЭГАМКУЛОВА

**МАҲМУДХУЖА
БЕҲУДИЙ ВА УНИНГ
«ОЙИНА» ЖУРНАЛИ**



Тошкент – 2019

УЎК 821.512.133.09 (092)

КБК 83.3г (5Ў)

A 14

Абдирашидов, Зайнабидин

Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг «Ойна» журнали [Матн]: /
З.Абдирашидов, Н.Эгамкулова. – Тошкент: Mubarrat nashriyoti, 2019. –
164 б.

ISBN 978-9943-5760-3-2

Ушбу китобда XIX–XX асрлар Туркистон ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий ҳаётида муҳим ўрн эгаллаган Маҳмудхўжа
Бехбудий фаолиятининг афғим нуқталарига эътибор қаратилган. Хусусан,
Бехбудийнинг устозини муаллам I аспринский билан муносабатлари, «Ойна»
журналининг муҳаррири сифатидаги ишлари шулар жумласидан. Илова
сифатида Бехбудийнинг янги топилган мақола ва хатлари, «Назаркуш» га
ёзилган таъриплар, «Бехбудий кутубхонаси» га доир давр вақтли маълумотда
берилган мақолалар эълон қилинмоқда.

Китоб миллий уйғониб даври ўзбек адабиёти билан кизиқувчилар
ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК 821.512.133.09 (092)

КБК 83.3г (5Ў)

Маърузи муҳаррир:

Сирожиддин АХМЕДОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
санъатшунослик фанлари номзоди

Тақризчилар:

Баҳодир КАРИМОВ,

филология фанлари доктори, профессор

Сарвиноз СОТИБОЛДИЕВА,

филология фанлари доктори

Рисова Алишер Навоий номидagi Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети Келасишинга 2019 йил 30 майдаги 10-сонли
мажлиси қарори билан نامрега тасвир қилинган.

ISBN 978-9943-5760-3-2

© З.Абдирашидов, Н.Эгамкулова

© “Mubarrat nashriyoti”,

Тошкент, 2019.

ИЗДОШЛИК МАСЪУЛИЯТИ

XX аср бошлари ижтимоий-сиёсий, маданий-ада-
бий муҳити, ўз номи билан айтганда, жадидлар ҳара-
кати, жадид адабиёти жуда мураккаб, қизиқарли ва
янгиликларга бой бир тарихий давр саналади. Бу за-
монда турмушнинг барча жабҳаларида туб ўзгариш-
лар юз кўрсатди.

Жадид адабиёти билан шуғулланган тадқиқотчилар
ўша маънавий муҳит об-ҳавосидан нафас олиб, эски
ўзбек арабий имлосидаги манбаларни ўқиб, ўзини
ўша зиё ахлдан бирига айланганини сезмай қолади.
Жадид адабиёти тарихи бўйича тадқиқот олиб борган
кагга-кичик олимлар маънавий дунёсида қандайдир
тозариш кузатилади. Ўз объекти аҳлининг умуминсо-
ний, миллий, индивидуал идеялари билан уйғун яшаб,
уларга хиёнат қилмаслик, жадидларни ўйлангирган,
қийнаган ижтимоий-маънавий, адабий-маърифий
муаммолар ечимини уларга руҳан яқинлашиб излаш-
дек изтиробли ҳаловатга эришиш, тўғриси, осон иш
эмас. Бунинг учун ўша давр манбалари устида соат-
лаб кўз нурини тўқиш, ўз изланишлари бир кун келиб
яхши самара беришга чин юракдан ишониш ва шу
ишончда нина билан кудук қазишда давом этиш ло-
зим бўлади.

Ўнлаб қалам эгалари, истеъдодли адиблар, адабиёт
тарихида ўз ўрнига эга адабий шахсиятлар шу жадид-
чилик ҳаракатлари талатўплари гирдобида етишиб
майдонга чиқди. Уларнинг раҳнамо йўлбошчиси,